

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўрта махсус, касб - ҳунар таълими маркази

МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ

(40 соат)

фанидан

академик лицей ва касб- ҳунар коллежлари учун

ўқув дастури

Тошкент-2010

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 1 июлдаги 6/1 ва 4/2-сонли қўшма Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган ва академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун Маънавият асослари фанидан узвийлашган ўқув дастури сифатида узлуксиз таълим тизимига жорий этиш учун тавсия этилган.

Тузувчилар:

Ж.Яхшиликков. - СамДУ, фалсафа фанлари доктори, профессор
Ҳ.Зоҳидов - СамДУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент
Ж. Абдурахмонова – С.Раҳимов академик лицейи ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди

Такризчилар:

Қ.Мўминов - фалсафа фанлари номзоди, ТДПУ доценти
Ҳ. Болтабоев - филология фанлари доктори, профессор
А. Қозоқбоев - тарих фанлари номзоди, доцент

Дастурни оптималлаштиришда иштирок этган ишчи гуруҳи аъзолари:

- | | |
|---------------------|--|
| 1. А. Ҳасанов | ХТХҚТМОМИ ижтимоий фанлар бўлими кафедра мудири |
| 2. Ж. Абдурахмонова | Ўз МУ қошидаги С.Раҳимов академик лицейи ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди |
| 3. Ф. Синдарова | Сергели политехника касб-хунар коллежи “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани ўқитувчиси |
| 4. Х. Султонов | Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани ўқитувчиси |
| 5. С. Ҳасанова | Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 249-мактаб ўқитувчиси |

Нашрга тайёрлади:

Н. Чиниқулов – Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Кириш

Мустақил мамлакатимизнинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, шунингдек, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежларида «Маънавият асослари» махсус курсини ўрганиш йўлга қўйилганидан буён анча вақт ўтди. Бу даврда мазкур фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари хусусида муайян тасаввур ҳосил бўлди, уни ўқитиш самарадорлигини ошириш юзасидан услубий–педагогик қарашлар тизими шаклланди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га (1997 йил) мувофиқ эндиликда бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш талаб этилади. Чунки халқаро андозалардаги бу ҳужжатлар таълим тизими зиммасига дунё илм-фани ютуқларидан яхши хабардор, жаҳоний миқёсларда халқимиз номидан баралла сўз айта олувчи, Ўзбекистон шаънини улуғлашга қодир фарзандларни камол топтиришдек ғоят масъулиятли вазифа юкламоқда.

Бироқ, ўқув қўлланма ва дарсликларнинг йўқлиги, уларнинг барқарор шакллари яратилмаганлиги ижобий натижаларга эришишга тўсқинлик қилмоқда. Муаллифлар ушбу ҳолатларни назарда туган ҳолда ушбу дастурни тузишди. Унинг мақсади академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари «Маънавият асослари» фанини илмий асосда, оддийликдан мураккаблик томон изчил равишда ўрганишга имкон яратишдан иборатдир. Фан ҳамда дастурнинг вазифалари эса ўқувчиларни бутун инсоният, чунончи, Шарқ ва Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи яратган маънавиятга оид билимлар билан қуроллантириш, буюк ватандошларимизнинг жаҳон тафаккури тараққиётига, Ислом маданияти ва тасаввуф ахлоқиға қўшган беқиёс хиссаларини ёритиш орқали улардан миллий-маънавий меросдан фахрланиш туйғусини тарбиялаш, кадриятлар ҳамда урф-одатларимизга онгли муносабат ҳиссини уйғотиш, шу асосда маънавияти бой, миллий тараққиёт мафкурамизда қатъий турувчи, она-Ватанимизнинг буюк келажаги учун фидойий, бозор иқтисодиёти шароитида инсонийлик фазилатларини тўла намоён эта биладиган, ўзини, ён-атрофдагиларни миллий турмуш тарзимизга ёт қоялар, оқимлар, иллатлар, қусурлардан ҳимоя қила оладиган баркамол авлодни вояга етказишга йўналтирилган.

«Маънавият асослари» фанини ўрганиш юзасидан жаҳоннинг бошқа, жумладан, тараққий топган мамлакатлари таълим-тарбия тизимида тўпланган тажриба, амал қилаётган дастурларга ёндашувда биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги муҳим хулосасига таяниб «Бизда ташкил топган маориф тизими, - деган эди юртбошимиз, - гапнинг — рости, бозор иқтисодиға неча ўн йиллаб олдин ўтган мамлакатларда ҳам йўқ».

Гап маънавий-ахлоқий тарбия ёхуд ушбу соҳа дастурлари хусусида борар экан, юқоридаги фикрлардан Ғарб билан Шарқни бир —бирига қарама-қарши қўйишга интилишни ахтармаслик лозим. Сайёрамизнинг Шимол деб аталмиш у қисмида ҳам ўрганса, ибрат олса, амалиётда қўлласа арзигулик хусусиятлар, хислатлар мавжуд, Масалан, бозор муносабатлари мустаҳкам

ўрин олаётган диёримизда ғарбликлардаги «индивидуализм» туфайли шаклланадиган, қарор топадиган ва мустахкамланадиган хусусиятларга қизиқиш ортмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажаги шарқоналигимизни Ғарб фани, техникаси билан ижодий бирлаштириш орқалигина ҳаёт воқелигига айланиши муқаррардир.

**Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари
“Маънавият асослари” фанига оид қуйидаги билим, кўникма ва
малакаларни эгаллашлари шарт:**

- маънавият тушунчасини, унинг таркибий қисмларини, инсон ҳаётида маънавиятнинг ўрни ва аҳамиятини билиш;
- “Маънавият асослари” фанининг ижтимоий, илмий-назарий, бадий-эстетик, амалий манбаларини билиш;
- Марказий Осиё халқлари маънавиятининг ёзма ёдгорликлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш;
- маънавий мерос, миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг шаклланиш ва мавжудлик тамойилларини билиш;
- баркамол шахс маънавиятида миллий маросимлар, урф-одат, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрни ва ролини билиш;
- маънавий баркамолликда миллийлик ва умуминсонийлик бирлигини тушуниш;
- инсонга, ватанга муҳаббат, фидойилик, бунёдкорлик, адолатлилик, ҳуқуққа ҳурмат маънавий шахснинг фазилатлари эканлигини билиш;
- инсонпарварлик, ватанпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, биродарлик юксак ахлоқлилик баркамол шахс маънавиятининг муҳим жиҳатлари эканлигини билиш;
- касб-ҳунарли бўлиш, илм-фанни иштиёқ билан ўрганиш ватанга фидойилик намунаси эканлигини билиш;
- маҳалла муҳити ва оила маънавияти-миллий тараққиётимиз кафолатлари эканлигини билиш;
- миллий маънавиятимиз бойликларини жаҳонга танитишда фидойий бўлиш.

Мавзулар бўйича дарс соатларининг тахминий тақсимооти

№	Фан бўлимлари ва мавзулар	Умумий юклама, соат				
		Дарс тури бўйича соатлар тақсимооти				
		Ҳаммаси	Жами	Назарий (маъруза)	Семинар	Мустақил иш
1	«Маънавият асослари» фанининг мақсад ва вазифалари.	2	2	2		
2	Маънавий мерос. Миллий ва умуминсоний қадриятлар.	8	6	4	2	2
3	Башарият тараққиётида маънавиятнинг ўрни.	6	4	2	2	2
4	Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси.	6	4	2	2	2
5	Таълим - тарбия — инсон маънавияти шаклланишига бевосита таъсир этувчи омил.	5	4	2	2	1
6	Баркамол шахс тарбиясида маънавиятнинг ўрни.	3	2	2		1
7	Инсонпарварлик, ватанпарварлик ва тинчликсеварлик — шахс маънавиятининг ажралмас қисми.	6	4	2	2	2
8	Демократик жамиятнинг шаклланишида маънавиятнинг ўрни.	6	4	2	2	2
9	Жамият тараққиётида ислохотлар ва уларнинг маънавий мезонлари.	6	4	2	2	2
10	Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши кураш.	5	4	2	2	1
11	Мамлакат тараққиётидаги масъулиятни ҳис этиш ёшларнинг юксак маънавий бурчи.	3	2	2		1
	Жами:	56	40	24	16	16

Дастурнинг мазмуни

1-Мавзу. «Маънавият асослари» фанининг мақсад ва вазифалари.

Маънавият тушунчасига таъриф. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги концептуал ғоялар асосида маънавият тушунчасига таъриф бериш.

Маънавият асослари фанининг ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқаси. Тарих, адабиёт ва инсон фалсафаси маънавиятнинг назарий манбалари сифатида.

Ўзликни англаш. Маънавиятни англаш. Маънавият инсон онги ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқ тушунча эканлиги.

Маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий – маърифий, маданий-диний ва ахлоқий қарашларни ўзида мужассам этиши.

Маънавиятга бевосита таъсир этувчи омиллар. Маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ёдгорликлар.

Маънавиятни англашда она тилининг ўрни. Ўзликни англаш миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқликнинг тил орқали намоён бўлиши. “Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши.

2-мавзу. Маънавий мерос. Миллий ва умуинсоний қадриятлар.

Маънавий мерос ҳамда қадриятлар тушунчалари.

Қадимий диёримиз жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳамда умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисми эканлиги.

Мустақиллик туфайли халқимиз маънавий меросига, қадриятларига муносабатнинг ўзгариши. Бу борада Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилган тадбирлар. Давлат рамзларини қабул қилиниши, Наврўз, ҳайит байрамлари, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Бобур сингари улуғларимиз номларининг тикланиши борасида олиб борилган ишлар.

Муқаддас динимиз маънавиятнинг таркибий қисми эканлиги.

Ислом дини ва маданияти ривожига халқимиз томонидан қўшиб келинаётган беқиёс ҳисса. Халқаро Ислом Конференцияси ташкилотининг таълим, фан, ва маданият масалалари бўйича муассасаси (АЙСЕСКО) 2007 йилда Тошкент шаҳрини “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилганлиги.

Маданий бойликлар. Мамалакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тарихий обидалар умумжаҳон меросининг ноёб намунаси эканлиги. Ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик юксак даражада ривож топганлиги ҳақида. Маданиятнинг илм, ахлоқ, бадиий, диний қадриятлар каби таркибий қисмлари мавжудлиги. “Авесто” бебаҳо маънавий мерос. Халқ оғзаки ижоди ва унинг ноёб дурдоналари. «Алпомиш» ва «Гўрўғли» дostonларида ота-боболаримизнинг чет эл

босқинчиларига қарши Ватан, халқ озодлиги учун курашларининг тасвирланганлиги.

Миллий байрамлар халқ маънавиятининг кўзгуси эканлиги.

Миллий урф-одатлар. Меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ҳашар. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида Хотира ва қадрлаш кунининг жорий этилиши. Хотира майдонлари, Мотамсаро она ҳайкалининг барпо этилиши, ”Хотира” китобининг чоп этилиши. Қатағон қурбонларини ёд этиш кунининг жорий этилиши”. Шаҳидлар хотираси” хиёбони ва “Қатағон қурбонларини ёд этиш” музейининг барпо этилиши ҳақида.

3-мавзу: Башарият тараққиётида маънавиятнинг ўрни.

Инсоният тарихида жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган мутафаккирларнинг маънавий мероси.

Аристотел, Платон ва Сократнинг фалсафа тарихидаги ўрни. Геродот, Ксенофонт каби тарихчиларнинг асарлари, Кул Тегин обидаси, Ўрхун-Энасой тошбитиклари.

Бағдоддаги “Байтул – ҳикма” ва Хоразм Маъмун академияси ва унда фаолият юритган олимларнинг маънавий қарашлари.

Ўрта асрларда Европа уйғониш даври намояндалари Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей.

XX аср тарихида Ҳиндистон миллий озодлик курашининг етакчиси Маҳатма Гандининг маънавий қарашлари.

4-мавзу. Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси

Буюк алломаларнинг илмий – ижодий кашфиётлари маънавиятимиз мезони. Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий. Уларнинг ҳаёти ва буюк мероси халқимиз маънавий бойлиги исботи эканлиги. Соҳибқирон Амир Темур. “Темур тузуклари”. Мирзо Улуғбек. “Зижи жадиди Кўрагоний”. Алишер Навоий сўз мулкининг султони.

Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданияти тараққиётидаги улкан ҳиссаси. Имом Бухорий ҳадис илмининг султони. “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси. “Сунани Термизий”. Имом Мотурудий – мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи. Бурхониддин Марғиноний ислом дин ва миллатнинг хужжати. “Ҳидоя” асари. Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий тариқатининг асоси “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин”.

Буюк алломаларимизнинг дунё микёсида эътироф этилиши ва уларга нисбатан ҳурмат.

Жадидчилик ҳаракати намояндалари. Аждодларимизнинг илмий мероси давомчилари, ўзбек фани ва маданиятининг фидойилари.

5- мавзу. Таълим- тарбия – инсон маънавияти шаклланишига бевосита таъсир этувчи омил сифатида

Таълим-тарбия инсон камолоти ва миллат равнақининг асосий шarti ва гарови. Таълим–тарбия давлат ва жамият назоратидаги умуммиллий масаладир. Таълим–тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаси комил инсон тарбиясидир. Таълим ва тарбия ажратиб бўлмайдиган уйғунликдир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Мақтаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури” таълим жараёни мазмунини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади. Таълимни инсонпарварлаштиришнинг марказий масаласи ёшларда ор-номусни, ватан ва халқ олдидаги масъулиятни, юксак ахлоқ ва фуқаролик сифатларини шакллантиришдан ҳамда маънавий-рухий фазилатларни сингдиришдан иборат эканлиги. Жамият маънавиятини юксалтиришда таълим ва тарбия ишларининг аҳамияти бениҳоя катта эканлиги.

Инсон қалбига йўл таълим – тарбиядан бошланади. Мақтаб - маънавият маърифат маскани. 1 октябр - Ўқитувчи ва мураббийлар куни.

Мамлакатимизда маънавий тикланиш ва янгиланиш жараёнларида адабиёт ҳамда санъат. Эркин ижод имкониятлари. Маънавий таҳдидларга қарши курашда илму фан, санъат, ижод аҳлининг ўрни. Оммавий ахборот воситалари- маънавий тарғиботнинг марказий намояндаси. Оммавий ахборот воситаларининг кенг имкониятлари, фаолияти ва келажақдаги мақсадлари.

Илм – инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилат эканлиги. , Илм кишини зеҳнини, фикрини ўтқир қилиши. Киши ҳаётидаги ишларни ҳақиқий тўғри йўлга соладиган восита бу – илм эканлиги.

Касбий маҳоратни шакллантиришда умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида ёшларни тарбиялаш, мамлакатимиз мустақил тараққиётини янада такомиллаштиришда ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, замонавий техника ва технологияни муайян соҳаларга татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланиш йўллари ҳақида тўлиқ билимга эга бўлишлари очиқ берилади. Замонавий мутахассис ўз касбий фаолияти соҳасидаги янгиликларни эгаллаб бориши, истиқболдаги тараққиёт йўналишлари ҳамда юзага келувчи муаммоларни ечиш йўллари кўра билиши лозим. Касбий маҳорат ёшларни касбга йўналтириш ва тайёрлашда касб эгаларига нисбатан ҳурмат ҳиссини, касбий ғурурни шакллантиришдан иборат эканлиги.

6-мавзу: Баркамол шахс тарбиясида маънавиятнинг ўрни

Маънавий тарбияни тўғри йўлга қўйиш, маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадга эришишнинг асосий омилларидан бири эканлиги.

Маданиятсиз жамият ривожланмайди. Маданиятнинг таркибий қисмлари бўлмиш илм, фан, маърифат тараққиёт негизи. Иқтисодий тараққиёт учун улкан моддий - маданий замин зарур эканлиги.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойилларининг ўрни ва аҳамияти. Миллий ғоянинг бутун Ўзбекистон аҳли учун бирдек дахлдорлиги. Бизнинг улуғ мақсадимиз мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юришдир.

Миллат маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёс эканлиги.

Маҳалла – инсонни жамият билан уйғунлаштирадиган ҳамда шу руҳда тарбияладиган энг катта саховатли гўша ва беқиёс Ватан эканлиги. Мустақиллик шарофати туфайли қўшничилик ва маҳаллачилик анъаналарининг янги руҳда шаклланганлиги. Маҳалланинг Конституцион мақомга эгалиги. Маҳалла “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойилининг амалий ифодачиси. Маҳалла - тарбия мактаби.

Янги жамият бунёдкори янги инсонни тарбиялашда маҳалланинг, унинг фаолларининг, диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар иштирокининг аҳамияти.

Узлуксиз маънавий тарбия она сути, оила тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси орқали амалга оширилиши. Табиатга, гўзалликка муносабат.

7-мавзу. Инсонпарварлик, ватанпарварлик ва тинчликсеварлик – шахс маънавиятининг ажралмас қисми

Миллий ўз-ўзини англаш, бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат, ватанпарварлик ва миллатпарварлик, тинчликсеварлик шахс маънавиятининг белгилари эканлиги.

Инсонпарварлик ахлоқий тамойилларнинг энг қадимий ва энг муҳими. И.А.Каримов Конституциянинг 13 йиллигига бағишлаб сўзлаган нутқида ҳам инсон манфаати масаласи моҳият ва ечимлари изоҳланган. Инсонпарварлик – одамзод қадри, эркинлик ва қобилиятларининг ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш кишиларнинг бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилишини ифодаладиган ғоя ва қарашлар тизими эканлиги.

XX аср тарихида инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди ва барча тарихий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлиги.

Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат, шахс маънавиятининг муҳим мезонлари эканлиги.

Ватанпарварлик – кишининг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий ахлоқий ҳислатлари, фазилатлари эканлиги.

Халқимиз маънавиятининг ажралмас қисмига айланиб кетган муқаддас тушунчалардан бири – тинчликсеварлик эканлиги. Ер юзидаги ҳар қандай

урушнинг натижаси – ёвузлик, адолатсизлик, шафқатсизлик ва бузгунчилик ҳамда ахлоқсизлик эканлиги. Барча эзгу орзу-ниятлар тинчлик заминиди рўёбга чиқиши ҳақида. Давлатимиз томонидан тинчликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар.

Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омили огоҳлик эканлиги. “Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!”, “Огоҳ бўлинг одамлар!”, “Тинчлик учун курашмоқ керак!”, “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”.

8-мавзу. Демократик жамиятнинг шаклланишида маънавиятнинг ўрни.

Эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш долзарб вазифа эканлиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, миллий қадриятларнинг сақланиши, маданият, санъат ривожига ва жамият тафаккурининг ўзгариши ҳамда юксалиши билан боғлиқ эканлиги. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда президентлик бошқарувининг жорий этилиши миллий маданиятимиз, маънавий бойликларимизни асраш ва янада бойитишга қаратилган ўз мустақил сиёсатимизни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилди.

Она тили – бу миллатнинг руҳи. Мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи. Давлат тили мақомининг Конституцияда ҳуқуқий жиҳатдан белгиланиши ва мустаҳкамланиши. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доирасининг кенгайиши ва халқаро миқёсда фаол мулоқот воситасига айланиши.

Ватанга муҳаббат ўзликни англашдан бошланади. Ёш авлодни яхлит ўзбек халқининг фарзанди эканлигини англаш руҳида тарбиялаш. Яшаб турган жой номларининг аталишида тарихий хотира ва ватан туйғуси. Дунёвий давлатда динга муносабат. Собиқ мустабид тузум даврида дин ва диний қадриятларга муносабат. Дунёвий ва диний қадриятларнинг уйғунлиги тарихий зарурат эканлиги.

Шахс ва давлатнинг ўзаро маъсулияти. Ижтимоий адолат. Фуқаролар тенглиги.

Демократик жамиятнинг шаклланишида маънавиятнинг ўрни бекиёс эканлиги.

Мамлакатимизда маънавият давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлиги. Давлат ва нодавлат ташкилотларининг жамият ҳаётида тутган ўрни.

9-мавзу: Жамият тараққиётида ислохотлар ва уларнинг маънавий мезонлари.

Янги тараққиёт йўлига кадам. Эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлида.

Тараққиётнинг ўзбек модели.

Давлат мулкини хусусийлаштириш бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим шартларидан бири эканлиги.

Ўтказилаётган ислохотнинг жамиятда маънавий мезонларнинг ҳал қилувчи омили бўлиб хизмат қилиб келаётгани. Ўтиш даврида ижтимоий адолат тамойилининг аҳамияти.

Ислохотлар самараси халқнинг юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига дахлдорлигини англаб етиши билан белгиланиши.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсон омили. Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун. Ислохотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиётнинг бир-бирини инкор этмаслиги. Ислохотларнинг халқимиз руҳияти, турмуш тарзи, урф-одат, анъаналарига ҳар томонлама мос йўли. Ислохотларда халқ маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалаларнинг устуворлиги.

Маънавият ва иқтисодиётнинг ўзаро алоқадорлиги жамият тараққиёти ва барқарорлиги гарови эканлиги.

10-мавзу: Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши кураш.

Маънавий тажовузлар. Худбинлик, лоқайдлик, манфаатпарастлик, ҳасад, сотқинлик каби иллатлардан ёш авлодни ҳимоя қилиш йўллари.

Маънавий бўшлиқ ва замонавий ахборот майдони хавфи. Бепарволик, лоқайдликнинг маънавиятга етказадиган зарарлари. Халқаро майдондаги турли сиёсий кучларнинг миллий ва стратегик мақсадлари йўлидаги “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ҳамда ўтиш давридаги ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларига асосланган “оммавий маданият” ниқоблари остидаги ҳаракатлари.

Маънавий таҳдидлар ва уларнинг таъсир қилиш воситалари. Мустақил дунёқараш. Соғлом фикрлаш. Мафкуравий ва маънавий таъминланганлик. Комил инсон, шарқона ахлоқ меъёрлари. Ор-номус, уят, андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат тушунчалари.

Маънавий бойлик – инсон иродасининг қуввати. Бепарволик, лоқайдлик маънавиятга зид иллат. Жамият мафкуравий иммунитетини кучайтиришнинг самарали усул ва услублари. Шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янгича мазмуни ва шакли, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бориши. Маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг масъулиятли бурчи эканлиги.

11-мавзу: Мамлакат тараққиётидаги масъулиятни ҳис этиш ёшларнинг юксак маънавий бурчи

Босқинчилик ва мустамлакачилик охир-оқибатда озодлик ҳамда истиклол учун кураш заруратини келтириб чиқариши бутун инсоният тарихи сабоғи. Мустақилликка эришиш ғояси Ўзбекистон халқига ҳам азалдан

мерослиги. Халқимизнинг аҳмонийлар, грек-македонияликлар зулмига, араблар истилосига, мўғул-татар босқинчилигига, чоризм мустамлакачилигига ва ниҳоят шўро тоталитар тузумига қарши олиб борган миллий озодлик ҳаракатлари.

Мустақиллик тушунчаси, унинг сиёсий (миллий давлатчилигимизнинг тикланиши, ўз тақдиримизни ўзимиз эркин белгилашимиз, жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлишимиз,) иқтисодий (мамлакат ҳудудидаги жамики моддий бойликларга эга бўлишимиз), ижтимоий (турмушни миллий хусусиятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримиз асосида ташкил этиш имконига эришганимиз), маънавий (ўзлигимизни англаш, инсоният тарихида тутган ўрнимизни билиб олиш, омма фикрнинг уйғониши) соҳалардаги аҳамияти. Мустақилликнинг олий қадриятга айланиши.

«Ўзбекистон-келажаги буюк давлат!» шиорининг олға сурилиши омиллари. Республикамизда ерости ва усти ресурсларни ишга солиш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини вужудга келтириш, одамлар учун муносиб турмуш шароитларини вужудга келтириш, одамлар учун бутун халқнинг, айниқса, ёшларнинг мустақилликни мустаҳкамлаш ва мамлакат тараққиётига масъулликни хис қилиш ёшларнинг маънавий бурчи эканлиги ҳамда бу жараёнда улар ўз маънавий салоҳиятини юксалтириб бориш давр талаби эканлигини англаши.

Адабиётлар

1. Каримов И. Маънавий юксалиш сари(тўплам).-Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И. Кучли давлатдан кучли жамият сари.-Т.: “Шарқ”, 1998.
3. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: “Шарқ”, 1998.
4. Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: “Шарқ”, 1998.
5. Каримов И. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
6. Каримов И. Ўзбекистон халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008 йил.
8. Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида. Жамоат ташкилотлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. -Т.: “Шарқ”, 1998.
9. Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: “Ўқитувчи”, 1992.
10. Алишер Навоий. Ҳамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. -Т.: ЎзФА нашриёти, 1960.
11. Амир Темур ўғитлари. Тўплам. Тузувчи Б.Ахмедов, А.Аминов. -Т.: “Наврўз”, 1992.

12. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
13. Аҳмад Хўжа. Шу азиз Ватан – барчамизники. -Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
14. Абдурашитхонов М. Танланган асарлар. –Т.: “Маънавият”, 2003.
15. Бозор иқтисодига ўтиш ва жамиятнинг маънавий янгилашиш муаммолари. –Т.: 1993.
16. Бобомурод Аҳмаджон. Ислох одоби ва маданияти. –Т.: “Чўлпон”, 1995.
17. Буюк сиймолар алломалар(Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). Нашрга тайёрловчи М.М.Хайруллаев. -Т.: Мерос, 1-китоб, 1995, 2-китоб, 1996, 3-китоб, 1997.
18. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад(Адаб дурдоналари). Таржимон, муқаддима ва изоҳлар муаллифи Ш. Бобохонов. -Т.: “Ўзбекистон”, 1990.
19. Имомназаров М.Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Масъул муҳаррир Н. Комилов. -Т.: “Шарқ”, 1996.
20. Кайковус. Қобуснома. Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1998.
21. Мусурмонова О. Маънавий ва ёшлар тарбияси. -Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
22. Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий ғурур. -Т.: “Ўқитувчи”, 2000
23. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: “Фан”, 1993.
24. Маънавият гулистони. –Т.: 2002.
25. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). -Т.: 2001.
26. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. -Т.: “Шарқ”, 2001.
27. Шермухаммедов С. Мустақиллик – буюк неъмат. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
28. Юсупов Э, Исмоилов Ф. Одамийлик сабоқлари. -Т.: 1997.
29. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: Юлдузча, 1990.
30. Яхшилик Ж., Аҳадов Ш. Темурийлар маънавияти (Илгариги манбалар ва янги тадқиқотлар асосида). –Т.: Фан, 1999.
31. Қуръони Карим(Ўзбекча изоҳли таржима). Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Т.: Чўлпон, 1992.
32. Йўлдошева С. Халқ урф-одатлари ва анъаналари. -Т.: 2003
33. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.: Шарқ, 2006.
34. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т. : “Ғ.Ғулом”, 2009.

Дастурнинг хусусиятлари ва уни бажариш бўйича услубий тавсиялар

Дастурнинг хусусиятлари «Маънавият асослари» фанини ўрганишдан кўзланган мақсад ҳамда вазифаларга мувофиқ бўлиб, асосий эътибор шарқона маънавий хислат-фазилатларни техника ва технология соҳаларида ғарбона тузумларга уйғунлаштира олишга, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб халқлари маънавиятига хос ижобий тамойилларни ривожлантиришга қаратилгандир. Шу жиҳатдан у Ўзбекистонимизнинг бўлғуси кадрларини дунё ҳамжамиятида эркин ҳаракат қилишга, самарали фаолият кўрсатишга йўналтира олади.

Мавзуларни танлаш, уларнинг ўринларини белгилашда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг узлуксиз таълим тизимидаги асосий жиҳатидан келиб чиқилди, яъни бу хилдаги ўқув юртлари умумий ўрта таълим мактабининг давоми эканлиги ҳисобга олинди. Буни таъкидлашдан мақсад шуки, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ўрта мактабда «Одобнома» ёки «Маънавият сабоқлари» ўқув курсини ўрганишган: эндиги вазифа олинган ана шу дастлабки билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдангина иборат бўлмай, маънавиятнинг ижтимоий моҳиятини чуқурроқ таҳлил этиб, инсоннинг табиат, жамият ва шахсларга муносабатларини ахлоқ-одоб нуқтаи назаридангина эмас, балки жаҳон тафаккури тараққиёти қонуниятларига мувофиқ ўрганишдир.

Табиийки, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ҳам «Маънавият асослари» бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунини қамраб олади ва улар предметига даҳлдор масалаларни қамраб чиқади. Масалан, «Ўзбекистон тарихи» мамлакатимиз халқининг инсоният тараққиётига, жаҳон цивилизацияларига қўшган буюк ҳиссасини ўз талабларига биноан ўргатса, «Маънавият асослари»да бу масалалар тарихий онг, маънавий мерос ҳамда қадриятларнинг шаклланиши, уларнинг жамият ва шахс ҳаётидаги ўрни нуқтаи назаридан муҳокама этилади. Адабиёт эса жамият ва маданият тарихининг бадиий солномасигина бўлиб қолмай, инсон ҳаёт фаолиятининг барча қирраларини, унинг ички дунёсини тасвирлаш орқали маънавий-маърифий озик вазифасини ўтайди.

Дастурни ўрганиш бўйича услубий тавсиялар масаласига келганда шуни айтиш лозимки, у ўқувчиларни мустақил фикрлашга, шахсийликдан ижтимоийлик томон илгарिलाб боришга ўргатиш тамойилига асосланади.

Маънавият асосларини ўқувчилар онгига сингдиришнинг информацион- методик таъминоти:

- дастурда белгиланган мавзулар ва уларга ажратилган соатлар дарслик ва ўқув қўлланмаларда тўлиқ ёритилиши ўқитувчига вақтни тежашга ва тежалган вақтдан мавзуларга оид қўшимча илмий-методик материаллар тайёрлаш учун фойланиш имкониятини яратиш;
- бу борада тажрибали, юқори натижаларга эришган ўқитувчиларнинг ишларини оммалаштириш, ўрганишни йўлга қўйиш;

-ушбу фан ўқитувчиси биринчи навбатда мутахасис, ўз фанини яхши биладиган, фидойи, замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланадиган, уларнинг янги усулларини кашф эта оладиган, ижодкор бўлиши лозим;

-таълим беришда замонавий техник имкониятлар Республика миқёсида оширилишига қарамасдан, ўқитувчи ҳар қандай вазиятда оддий усулларда ҳам мукамал билим бериш йўлларини излаб топтоғи ва уларни қўлламоғи керак;

- музейларга, тарихий жойларга, санъат даргоҳлари, концерт заллари, театр, кино, телевидения, нашриётлар ва ҳоказоларга саёхат дарслари ташкил этиш.

Маънавият асосларини ўқувчилар онгига сингдиришда замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари

Мазкур фанни ўқитишда ноанъанавий интерфаол усуллардан ҳамда техника воситаларидан фойдаланишни янада кенгайтириш ва оммалаштириш зарур.

«Маънавият асослари» фанини ўқитишда ҳар бир мавзу учун унга мос бўлган замонавий педагогик технология усулларидан фойдаланган ҳолда дарс ишланмалари, дидактик материалларни тайёрлаш бугунги кун талаби даражасида таълим-тарбия самарадорлигини таъминлайди.

«Маънавият асослари» фанини ўқитишда ўқитувчи ўз устида кўпроқ ишлаши, ҳар битта дарс учун машғулотнинг технологик харитасини ишлаб чиқиши яъни маълум мавзу бўйича аниқ вақт тақсимоти, қўлланиладиган усуллар, бериладиган информациялар рўйхати, машғулотдан кутилаётган натижаларнинг аниқлиги, топириқ ва вазифаларнинг белгиланган кичик дастурини ишлаб чиқиши ва ушбу машғулотда фойдаланиладиган техник воситалар, дидактик материаллар мавжудлигини таъминлаш дарс самарадорлигини оширади.

«Маънавият асослари» фани бўйича маъруза матнларини тайёрлаш, мустақил иш мавзуларини белгилаш, ҳар бир мавзу учун назорат топириқлари, тест саволлари тайёрлаш ўқитувчига мавзунини мустаҳкамлаш ва ўқувчиларни баҳолашга ёрдам беради.

«Маънавият асослари» фанини ўқитишда ўқув-моддий шароитларни ҳисобга олиш зарур, чунки баъзи усулларни қўллаш алоҳида шароитлар талаб қилмайди. Компьютер, махсус компьютер дастурлари, магнит доска, махсус жиҳозланган хона, телевизор, видеомагнитофон каби воситалар фойдаланиладиган усулларни қўллаш эса бундай техник воситаларнинг мавжудлигини талаб қилади.

Янги, ноанъанавий усуллардан фойдаланиш учун уларни қўллашни билиш, маълум кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади.

Таълим усуллари танлаш мезонлари усулларнинг номи, дидактик вазифалари, унинг учун зарур вақт, моддий-техник шароит ва таълим берувчининг тажрибаси билан белгиланади.

Маънавият асосларини ўқувчилар онгига сингдиришда мавзулар бўйича мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни бўйича тавсиялар

Белгиланган мавзулар бўйича мустақил ишларни анъанавий реферат, тест, кроссворд турлари билан бир қаторда фотосуратлар, альбомлар, ҳалқ ижодиётидан кўринишлар ва бошқа маънавий –маърифий тадбирлардаги иштироки орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ўқувчи ёшларимизда миллий қадриятларимизга ҳурматни кучайтишга хизмат қилади.